

## БОГОМОЛОВ ГЕННАДИЙ ИГОРЕВИЧ 70 ЁШДА

Геннадий Игоревич Богомолов – ўзининг кўп йиллик меҳнати билан Ўзбекистон археологияси ютуқларига катта ҳисса қўшган олимлардан биридир. М. Е. Массон мактабининг муносиб вакилларида бири ҳисобланган Геннадий Игоревич ўз умрини археологияга бағишлаб, қирқ етти йил давомида Чоч ва Марказий Суғднинг қадимги ва илк ўрта асрлар даври муаммоларини билан муваффақият билан ўрганиб келмоқда. Унинг тадқиқот мавзулари ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Олимнинг археологик ишлари Қанқа, Шоҳжувор, Шоҳруҳия, Кофирқалъа ва бошқа ёдгорликлар билан чамбарчас боғлиқ.

Г. И. Богомолов 1954 йил 26 январда Тошкент шаҳрида туғилган. 1972 йилда ўрта мактабни тугатгач Тошкент Давлат университети (ТошДУ), ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультетига археология мутахассислиги бўйича ўқишга киради. Талабалик йиллари давомида «Ўрта Осиё археологияси» кафедрасида С. Б. Лунина, З. И. Усманова, Н.И. Крашенинникова, Г. Я. Дресвянская, М. И. Филанович каби катта тажрибага эга, иқтидорли археологлардан қадимшуносликнинг дастлабки кўникмаларини эгаллади. 1977 йилда ўқишни имтиёзли диплом билан тугатиб, 1980 йилгача “Ўрта Осиё археологияси” кафедрасида катта лаборант лавозимида ишлади. Кафедранинг ўша пайтлардаги археологик тадқиқот ишлари асосан Қашқадарё вилоятига қаратилган бўлиб, изланишлар Кеш археологик-топографик экспедицияси – КАТЭ томонидан олиб борилар эди ва унинг таркибида Г. И. Богомолов С. Б. Лунина раҳбарлигида Олтин тепа ёдгорлигида тадқиқот ишлари олиб боради.

1980 йилда Г. И. Богомолов Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институтига ишга ўтишга қарор қилади ва у ерда «Янги қурилишлар» (отдел новостроек) археология бўлимига кичик илмий ходим лавозимида ишга қабул қилинади. 1980–1985 йилларда Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятларида олиб борилган археологик экспедицияларда фаол қатнашади.

1981 йилда у отряд раҳбари сифати унинг илмий фаолияти бевосита Қанқа ёдгорлиги билан боғланади, шу вақтдан бошлаб ушбу қадимий шаҳар харобалари унинг илмий тадқиқот объектига айланди. Ёдгорликда олиб борилган археологик қазув ишлари давомида бу ерда Г. И. Богомолов томонидан V–VI асрларга тегишли ибодатхона очиб ўрганилган. Стратиграфик маълумотлар, II-қазилма материаллари Қанқанинг милoddан аввалги III асрлардан бошлаб шаклланиш ва ривожланиш босқичларини очиб бериш имконини берди. Қўлга киритилган илмий маълумотларнинг таҳлили асосида олим 1988 йилда Юрий Федорович Буряков раҳбарлигида “Илк ўрта аср Чоч шаҳар марказининг маданияти (Қанқаёдгорлиги мате-



риаллари асосида)» номли номзодлик диссертациясини муваффақиятли химо я қилади. Қайд этиш лозимки, Қанқа ёдгорлигидан топилган кўплаб топилмалар нафақат илмий жиҳатдан, шу билан бирга кўплаб музейларда намойиш этиш орқали кенг жамоатчиликка Чочнинг қадимги тарихи ва моддий маданияти ҳақида маълумот бериш имкониятини яратди. Хусусан, ҳозирги кунда топилмалар Ўзбекистон



Фанлар Академиясининг Ўзбекистон тарихи давлат музейи ва Тошкент музейи экспозицияларида намойиш этилмоқда.

Археологик қазилмалар билан биргаликда Геннадий Игоревич педагогик фаолият билан ҳам шуғулланиб, Низомий номидаги Тошкент педагогика университети «Ватан тарихи» кафедрасида «Ўзбекистон археологияси» фанидан машғулотлар олиб борди.

Қанқа ёдгорлигида олиб борилган қазилмалар билан бир қаторда у 2010–2012 йилларда Дабусия ёдгорлигида, 2013 йилдан Самарқанд Суғдидаги Кофир-қалъада ёдгорлигида Ўзбекистон-Япония халқаро экспедицияси таркибида фаолият кўрсатиб келмоқда.



*Қанқа экспедицияси. 1980 йил.*

*Экспедиция на Канке. 1980 г.*

*Expedition at Kanka. 1980/*



*Ўзбек-Япон ҳалқаро қўшма экспедицияси. 2022 йил.*

*Узбекско-японская международная совместная экспедиция. 2022 г.*

*Uzbek-Japanese international joint expedition. 2022.*

Олимнинг илмий қизиқишлари серкирра бўлиб, у кўчманчи аҳолининг маънавий ва моддий маданияти, шунингдек, Чоч ва Суғд шаҳар маданияти, антик ва ўрта асрларда Марказий Осиёда ҳарбий ишлар, Марказий Осиё халқларининг санъати ва диний қарашлари борасида ҳам илмий изланишлар олиб бормоқда.

Геннадий Игоревич Богомолловнинг илмий изланишлари натижалари 300 дан ортиқ илмий мақолалар, шунингдек, учта монография нашр этилган. Илмий фаолияти давомида Ўзбекистон, Италия, Германия, Франция, Англия, Япония, Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон каби давлатларда ўтказилган халқаро конференциялар ва конгрессларда илмий маърузалар билан фаол иштирок этиб келмоқда.

Г. И. Богомолловнинг археология ривожига қўшган ҳиссаси эътироф этилиб, 2021 йилда «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллиги», 2023 йилда эса Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 80 йиллиги муносабати билан фанга қўшган ҳиссаси учун кўкрак нишонлари билан тақдирланди.

Фидойий олим Геннадий Игоревич Богомолловни 70 ёши билан чин юракдан табриклаймиз ва у кишига янги кашфиётлар, ноёб топилмалар, бахт ва мустақкам соғлиқ тилаймиз.

***“O‘zbekiston arxeologiyasi” таҳририяти,  
Я. Ғуломов номидаги Самарқанд археология институти  
ва Миллий археология маркази жамоаси***